

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РАХИМОВА МАДИНА БОХОДИРОВА**

**COVID–19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯ  
ФОНИДА АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТНИНГ КЕЧИШИ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

УЎК: 616.721-002.77-085.814.1: 578.834.1

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Рахимова Мадина Боходировна**

COVID–19 ўтказган беморларда эндотелиал  
дисфункция фонида анкилозловчи  
спондилоартритнинг кечиши хусусиятлари..... 3

**Рахимова Мадина Боходировна**

Особенности течения анкилозирующего  
спондилоартрита на фоне эндотелиальной дисфункции  
у больных, перенесших COVID-19..... 21

**Rakhimova Madina Bokhodirovna**

Features of the course of ankylosing spondylitis against  
the background of endothelial dysfunction in patients  
after COVID-19..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РАХИМОВА МАДИНА БОХОДИРОВА**

**COVID–19 ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯ  
ФОНИДА АНКИЛОЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТНИНГ КЕЧИШИ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2676 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ахмедов Халмурад Садуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Нуриллаева Наргиза Мухтархановна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат тиббиёт университети</b>

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда анкилозловчи спондилоартрит энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади ва бутун дунё аҳолиси орасида ногиронликка олиб келувчи сабаблардан биридир. Европа антиревматик лигасининг маълумотларига кўра, «...анкилозловчи спондилоартрит (АС) билан касалланиш даражаси йилига 10 000 аҳолига нисбатан 0,1 дан 1,4% ни ташкил этади ва ушбу кўрсаткич эркакларда аёлларга нисбатан 2-4 баробар юқори»<sup>1</sup>. COVID-19 пандемияси бошланганидан бери аутоиммун ревматик касалликлар билан оғриган беморларни касалхонага ётқизиш даражаси умумий аҳоли сонига нисбатан 46% га ошган. Иммуносупрессив даво негизида иккиламчи инфекцияларга нисбатан берилувчанликни юқорилиги ушбу беморларда касалликнинг барқарорлашиш оқибатини ёмонлашувига олиб келади. Бу эса АС ни ташхислаш ва даволашда мунтазам ёндашувни ҳамда ушбу муаммони ҳал қилишда кейинги тадқиқотларни ўтказишни талаб қилади.

Дунёда бугунги кунга қадар анкилозловчи спондилоартритнинг кечишига COVID-19 нинг таъсири, шунингдек, унинг умумий патогенетик механизмга эга бўлган ҳамда АС билан оғриган беморларда нохуш асоратлар ривожланиши асосини ташкил қилган тизимли яллиғланиш негизида эндотелиал дисфункция ривожланишини баҳолаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, эндотелий дисфункцияси (ЭД), тизимли яллиғланиш ва анкилозловчи спондилоартритнинг фаоллиги билан ўзаро боғлиқлиги, уларни эрта ташхислашда эндотелин-1 нинг аҳамияти, уни коррекциялаш усулларини, шунингдек, илгари COVID-19 ўтказган АС билан касалланган беморларни парваришлаш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш амалий тиббиётнинг долзарб йўналишлари ҳисобланади.

Республикаimiz тиббиёт ходимлари олдида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жумладан, уни халқаро стандартлар талабига мувофиқлигини таъминлаш бўйича қатор вазифалар қўйилган. «...Мамлакатимизда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, тиббий-ижтимоий хизматларнинг ҳаммапоблигини ва қўлламини таъминлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш...»<sup>2</sup> борасидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан ковиддан кейинги даврда беморлар реабилитациясини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункция

<sup>1</sup> World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ташхисини такомиллаштириш, шунингдек, салбий асоратлар ривожланишини олдини олиш ва ногиронлик хавфини камайтириш учун амалиётда қўлланилаётган даволаш усулларини мувофиқлаштириш бўйича кейинги тадқиқотларни ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги 60-сонли ПҚ, 2021 йил 25 майдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамани аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 215-сонли ПҚ лари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронлик ривожланишини олдини олишнинг муҳим вазифаларидан бири ушбу касалликни эрта ташхислаш билан бир қаторда, унинг кечишини оғирлаштирувчи омилларни ҳам аниқлаш ҳисобланади. I.Sari ва ҳаммуаллифлари томонидан олиб борилган мета-таҳлилда АС билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункция негизида ривожланаётган нохуш ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, уни АСни оғир кечишига мойилликни белгиловчи омил сифатида баҳо бериш натижалари келтирилган.

Бугунги кунда анкилозловчи спондилоартритнинг патогенетик механизмлари, коронавирусли инфекция негизида иммун жавоб хусусиятлари кенг ўрганилиб келинмоқда ҳамда таргет давони такомиллаштириш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яллиғланиш олди цитокинларининг, хусусан, интерлейкин-17А (ИЛ-17А) ва интерлейкин-23ни (ИЛ-23) АС патогенезида ҳал қилувчи аҳамиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган (Н. Tsukazaki, Т. Kaito, 2020); АС ривожланишининг патогенезида ичак микробиотининг ўрни исботланган (Mark C. Hwang, 2021, Tavasolian F., 2021); АС ва COVID-19да яллиғланиш олди цитокинлари, хусусан, интерлейкин-17А гиперпродукциясининг умумий патогенетик механизмлари белгиланган (I. S. Benlidai, 2020, Zhin Wang, 2021); АС билан оғриган беморларда ассиметрик диметиларгинин эндотелий вазифасини бузилишининг маркери сифатида ўрганиш соҳасида йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда (Insi U, 2017, K. Fischer ва бошқ., 2022).

Ўзбекистонда охирги йилларда АС хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий ишлар сони кўпайди. Шунга қарамай, тадқиқотларнинг аксарияти иммуно-патогенетик механизмларни, суяк-бўғим тузилмаларнинг шикастланиш хусусиятларини, тизимли асоратларни ўрганиш, шунингдек даволашни оптималлаштириш соҳасида олиб борилмоқда. Бир қатор тадқиқотлар АС билан оғриган беморларда минераллар алмашинуви бузилишининг клиник ва патогенетик аҳамияти ва коррекциялаш усуллари

(Набиева Д.А., 2022); юрак-қон томир касалликлари учун хавф омилларининг хусусиятлари, HLA-B27 полиморфизми, АС да иммун-яллиғланиш кўрсаткичларига боғлиқ равишда суяк тузилмаларининг шикастланиш хусусиятлари (Ахмедов Х.С., Абдурахманова Н.М., 2022), АС да буйрак шикастланишининг хусусиятлари, сийдик чўкмасининг ўзгариши, шунингдек, АС кечишига буйрак шикастланишининг таъсирини ўрганиш (Наимова Ш.А., 2021) каби ишларда ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилидан хулоса қиладиган бўлсак, COVID-19 ўтказган АС билан оғриган беморларда эндотелий дисфункциясини, унинг маркерларини, тизимли яллиғланиш билан боғлиқлиги ва АС нинг тугалланиш оқибатларига таъсирини баҳолаш бўйича ишлар етарлича ўтказилмаган; бундан ташқари, эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш, шунингдек, COVID-19 ўтказган беморларда АС ни даволашига эътибор қаратилмаган. Анкилозловчи спондилоартритнинг эрта ногиронликка олиб келиш хусусиятини ва эндотелиал дисфункцияни нохуш, хусусан юрак- қон томир, буйрак ходисаларнинг ривожланишида омил бўлишини инобатга олган ҳолда, касалликни эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволаш амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214-сон «Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID-19 ўтказган АС билан оғриган беморларнинг клиник-иммунологик кўрсаткичларига эндотелий дисфункциясини таъсирини баҳолаш, шунингдек, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини мувофиқлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

COVID–19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартритнинг кечиш хусусиятларини проспектив тахлилини ўтказиш;

COVID–19 ўтказган АС билан оғриган беморларда эндотелий ҳолатини (вазорегулятор ва уни зарарланиш маркерларини) ҳамда уларни тизимли яллиғланишга таъсирини баҳолаш;

COVID–19 ўтказган АС билан оғриган беморларда яллиғланиш олди цитокинлари ва яллиғланиш маркерларининг хусусиятларини баҳолаш;

COVID–19 ўтказган АС билан оғриган беморларда ЭД негизида клиник ва иммунологик силжишларни эътиборга олган ҳолда касалликни олдини олиш усулларини мувофиқлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2020-2022 йилларда Тошкент шаҳар 3 – клиник шифохонасининг ревматология бўлимида даволанган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган 100 нафар беморлар ва назорат гуруҳини ревматологик анамнезга эга бўлмаган 30 нафар амалий соғлом кўнгиллилар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида COVID–19 ўтказган беморларда анкилозловчи спондилоартрит клиник белгиларининг хусусиятлари,

хужайравий ва гуморал иммунитет ҳолатининг хусусиятлари, яллиғланиш олди цитокинлари кўрсаткичлари, эндотелий дисфункцияси маркерлари ва вазорегулятор вазифасининг кўрсаткичлари, уни коррекциялаш усуллари ва АС ни даволаш ёндошувлари тамойиллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик, иммунофермент, рентгенологик, ультратовуш ва статистик текширув усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда COVID-19 негизида эндотелий дисфункциясининг авжланиши эндотелин-1 ва эндотелийга боғлиқ вазодилатация кўрсаткичларини ҳаққоний силжишлари билан боғлиқлиги аниқланган;

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда томирлар эндотелий функцияси ( $\Delta D$ ,  $\Delta V_{ed}$ ,  $\Delta V_{ps}$  ва  $PI$ ) бузилиши ва унинг зўрайиб боришида гиперцитокинемиянинг ўрни асосланган;

анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда COVID-19 негизида хужайравий иммунитетнинг  $CD3^+$ ,  $CD4^+$  ва  $CD8^+$  дифференцияловчи антигенлари экспрессиясидаги ўзгаришлари ҳамда уларнинг томирлар эндотелий дисфункцияси ривожланишидаги аҳамияти аниқланган;

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда ИЛ-17А ни ингибирлаш ва эндотелий дисфункциясини коррекциялаш туфайли тизимли яллиғланиш жараёнини тикланиши аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда тизимли яллиғланишнинг авж олиб борилиши томир эндотелиал дисфункциясини ривожланишида муҳим ўрин эгаллаши исботланган;

даво чораларини мувофиқлаштириш орқали эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш мақсадида ЭД маркери бўлган эндотелин-1 ва эндотелийга боғлиқ вазодилатация кўрсаткичларини яллиғланиш олди цитокинлари (ИЛ-17А ва  $\text{УНО-}\alpha$ ) билан бирга баҳолаш зарурлиги асосланган;

касаллик фаоллигини пасайтириш ва эндотелиал дисфункцияни коррекциялашга қаратилган даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда даволаш самарадорлигини ошиши, ремиссия даврини узайиши ва эрта ногиронликнинг олдини олишга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг иқтисодий жиҳатидан арзон ва ҳаммабоплиги, олинган маълумотларнинг клиник, биокимёвий, иммунофермент, ускунали ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, АС билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункцияни клиник, патогенетик механизмларини таҳлил этиш, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти эндотелиал дисфункцияни ва ўтказилган коронавирус инфекцияси негизда анкилозловчи спондилоартритнинг клиник кечиши хусусиятлари ва ЭД ривожланиш механизмлари ҳамда унинг иммун-яллиғланиш жараёнлари билан ўзаро боғлиқлигини ифодалаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ИЛ-17А ни ингибирлаш ва эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш орқали даволаш ва олдини олиш чоратадбирларини мувофиқлаштириш COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва эрта ногиронлик хавфини камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** COVID-19 ўтказган беморларда эндотелиал дисфункция фонида анкилозловчи спондилоартритнинг кечиши хусусиятлари ҳамда даволаш-профилактика чораларини мувофиқлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари Тошкент шаҳар 3-клиник шифохонаси бўйича 7.12.2022 йилдаги 46-сонли буйруқ ҳамда Тошкент вилояти 22-қишлоқ оилавий поликлиникаси бўйича 2.12.2022 йилдаги 14-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда томирлар эндотелий функцияси бузилишини эрта ташхислаш касалликни авж олиб боришини олдини олиш ва бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3 600 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 200 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда гиперцитокинемияни ва томирлар эндотелий функциясини бузилишини эрта ташхислаш касалликни даволаш чора тадбирларини мувофиқлаштиришга имкон берди. Натижада беморнинг шифохонада қолиш муддатини 14,8 кундан 10,07 кунгача қисқартириб шифохонада қолиш тўлов миқдори 178 минг сўмга камайтирган ва 70% беморларда касалликни ремиссия даврига ўтказишга имкон берган;

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда хужайравий иммунитетнинг дифференцияловчи антигенлари экспрессиясини ва томирлар эндотелий функциясини бузилишини эрта ташхислаш касалликни даволаш чора тадбирларини мувофиқлаштиришга имкон берди. Натижада беморда иммун яллиғланиш жараёнини камайтириш мақсадида базис дори воситаларни қўллаш тавсия этилган ва шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган;

COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда даволаш чора тадбирларини мувофиқлаштириш ремиссия даврини узайиши ва бюджетдан ташқари маблағларни 960 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди

Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида бирламчи тиббий-санитария ёрдам босқичида анкилозловчи спондилоартрит ва эндотелиал дисфункцияни эрта ташхислаш, тизимли асоратлар ривожланишини, ногиронлик ва касаллик зўрайишини олдини олиш, меҳнат қобилятини узоқ муддатга сақлаб қолиш, касалликни даволаш ҳамда

текшириш учун сарфланадиган маблағларни тежаб қолиш, COVID-19 ўтказган АС билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Рахимова Мадина Боходировнанинг “COVID-19 ўтказган беморларда эндотелиал дисфункция фонида анкилозловчи спондилоартритнинг кечиши хусусиятлари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 24 ноябрдаги 03/4824-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункциясига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» номли биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар маълумотлари ёритилган. Тизимли яллиғланиш негизида эндотелиал дисфункцияни ривожланишининг патогенетик механизмлари тавсифланган, унинг бир қатор специфик маркерлари ҳамда ушбу маркерларнинг зарарланишни турли хил даражаларидаги аҳамияти, ЭД ва ўтказилган коронавирус инфекцияси негизида АС клиник кечиши хусусиятлари, замонавий нуқтаи назардан тизимли асоратларни ривожланишида эндотелиал дисфункциясининг аҳамияти, АСни даволаш ёндашувлари тизимли таҳлил қилинган. COVID-19 ни АС кечишига таъсири, шунингдек, унинг эндотелиал дисфункция бузилиши билан умумий патогенетик механизмларини ўрганиш бўйича маълумотлар таҳлил қилинди ва тақдим этилди.

Диссертациянинг «**Анкилозловчи спондилоартрит ва эндотелиал дисфункциясининг клиник, патогенетик ва иммунологик қирраларини баҳолашнинг материал ва усуллари**» номли иккинчи бобида тадқиқот дизайни, тадқиқотнинг материал ва усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқотда олинган натижаларга статистик ишлов беришда қўлланилган усуллар

ёритилган. Тадқиқот ишининг асосини АС билан касалланган 100 нафар беморлар ташкил қилди. Соғломлар гуруҳини эса аналогик ёшдаги ревматологик анамнезга эга бўлмаган 30 нафар амалий соғлом кўнгиллилар ташкил қилди. Тадқиқот иши 2020-2022 йилларда Тошкент шаҳридаги 3-шаҳар клиник касалхонасида ҳамда ТТА нинг кўп тармоқли клиникасида бажарилди. Ўз навбатида, беморлар иккита гуруҳга ажратилди – асосий ва назорат гуруҳлар. Асосий гуруҳни COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган 60 нафар беморлар ташкил қилди, беморларнинг ўртача ёши  $42,6 \pm 6,2$  бўлди, эркаклар - 53 (88,3%), аёллар - 7 (11,7%) нафар бўлди, тадқиқот даврига келиб АС билан касалланиш давомийлиги ўртача  $9,4 \pm 1,72$  йилни ташкил қилди. Назорат гуруҳни COVID-19 ўтказмаган АС билан оғриган 40 нафар беморлар ташкил қилиб, беморларнинг ўртача ёши  $44,2 \pm 5,8$  бўлди, гуруҳда эркаклар - 31 (77,5%), аёллар - 9 (22,5%) нафар бўлди, ушбу беморларда касаллик ўртача  $12,1 \pm 2,41$  йил давом этди. Асосий гуруҳ беморларида касалликнинг аксиал шакли 41 (68,3%) нафар беморларда, периферик шакли – 19 (31,7%) нафар беморларда ташхисланди, назорат гуруҳда эса АС нинг аксиал ва периферик шаклининг учраш даражаси мувофиқ равишда 23 (57,5%) ва 17 (42,5%) нафарни ташкил қилди. АС билан касалланган беморларнинг 86% да HLA-B27 аллелининг ташувчанлиги аниқланди.

Соғломлар гуруҳини 30 нафар амалий соғлом кўнгиллилар ташкил қилиб, уларнинг 19 (63,3%) нафари эркаклар ва 11 (36,7%) нафари аёллар бўлди, уларнинг ўртача ёши  $40,6 \pm 3,1$  бўлди.

Тадқиқотдаги беморларнинг анамнестик маълумотларига асосланиб АС ривожланишига олиб келувчи куйидаги хавф омиллари аниқланди: наслий мойиллик беморларнинг 16 (26,6%) нафарида аниқланган бўлса, илгари ўтказилган вирусли ёки бактериал инфекциялардан кейин АС нинг ривожланиши фақат 5 (9,4%) нафар беморларга хос бўлди, қаттиқ совуқ қотишдан кейин касалликнинг илк белгиларини пайдо бўлиши 14 (24,5%) нафар беморларга хос бўлган, 6 (10,7%) нафар беморларда АС ўтказилган жароҳатдан кейин юзага келган, 5 (11,4%) нафар беморлар оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланишган ҳамда 10 (17,4%) нафар беморлар АС клиник белгиларини бошланишини ҳеч нима билан боғлашмайди.

Беморларни тор мутахассиларга мурожаатлари сони таҳлил қилинганида – беморлар энг кўп невролог, ревматолог ва терапевтларга мурожаат қилишган. Шу билан бирга, иккала гуруҳдаги беморларнинг кўпчилигига, мувофиқ равишда 76% (46) ва 72,5% (29) «умуртқанинг бел-думғаза соҳасининг остеохондрози» ташхиси қўйилган. Периферик бўғимларнинг артрити бўлган асосий ва назорат гуруҳдаги беморларда кўпинча «ревматоидли артрит» ташхиси қўйилган - мувофиқ равишда 13,3% (8) ва 15% (6), «реактив артрит» ташхиси эса мувофиқ равишда 8,3% (5) ва 7,5% (3) беморларга қўйилган.

Касалликнинг фаоллиги ҳамда бўғим синдромининг яққоллик даражаси ASDAS(CPO) ва BASDAI индекслари ёрдамида баҳоланилди, АС билан оғриган беморларнинг функционал фаоллиги BASFI индекси ёрдамида ўрганилди, оғриқли энтезисларни баҳолаш MASES шкаласи ёрдамида олиб борилди, метрологик BASMI индекси умуртқа ва чаноқ-сон бўғимлари

ҳаракатчанлилигини объектив баҳолаш учун қўлланилди, касалликнинг периферик шаклида қўшимча равишда 44 нафар периферик бўғимларда шиш ва оғриқ белгиси кўрик давомида ўрганилди ҳамда оғриқ 100-миллиметрли визуал аналогли шкала ёрдамида баҳоланилди (ВАШ). Тадқиқотдаги барча беморларга думғаза-ёнбош бўғимидаги ўзгаришни, сакроилеит босқичини аниқлаш мақсадида тос суягининг обзор тасвири олинди, суяк-бўғим тузилмаларининг зарарланишини баҳолаш мақсадида умуртқа поғонасининг MPT/МСКТ, mSASSS, BASRI-spine, BASRI-hips, BASRI-total шкаласи ёрдамида умуртқа зарарланишининг авж олиб бориши босқичи аниқланди.


Иммунология ва одам геномикаси институтининг лабораториясида ёйилган иммунограмма текшируви ўтказилди, бунда ҳужайравий ва гуморал иммунитет ўрганилди. Беморларда COVID-19 IgM ва IgG антитаначалари иммунохемилюминисцент анализ (ИХЛА), эндотелиал дисфункция маркери бўлган эндотелин-1 миқдори, яллиғланиш олди цитокинлари бўлган интерлейкин-17А, ЎНО- $\alpha$  қон зардобидаги миқдори эса иммунофермент таҳлил усули ёрдамида аниқланди. Эндотелийнинг функционал ҳолати ўнг елка артериясида компрессион синама ёрдамида ультратовушли доплерография усули ёрдамида аниқланди.

Барча беморларда ҳаёт сифатини аниқлаш мақсадида EuroQol-5D саволномаси ёрдамида сўровнома ўтказилди, ўтказилган даволаш самарадорлигининг динамикаси фоиз нисбатида ASAS (ASAS20, ASAS40 ва ASAS60) мезонларига мувофиқ равишда баҳоланди, эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш динамикаси эндотелин-1нинг миқдори ва елка артериясидаги доплер кўрсаткичларига асосланган ҳолда баҳоланди.

Диссертациянинг «**COVID-19 ўтказган беморларда АС белгиларининг клиник-лаборатор хусусиятлари**» номли учинчи бобида АС билан касалланган 100 нафар беморларнинг клиник, биокимёвий, функционал усул натижаларининг таҳлили келтирилган.

Асосий ва назорат гуруҳ беморларида касалликнинг илк пайдо бўлиш даври таҳлил этилганида маълум бўлдики, иккала гуруҳдаги мувофиқ равишда 68,3% (41) ва 65% (28) нафар беморларда касалликнинг илк белгилари умуртқа поғонасининг бел қисмидаги оғриқ синдроми билан бошланган. Шу билан бир қаторда, мувофиқ равишда 5% (3) ва 7,5% (3) беморлар умуртқанинг кўкрак қисмида, 11,7(7) ва 10% (4) беморлар мувофиқ равишда бўйин қисмида оғриқ сезишган. Касалликнинг яққоллик даражаси бўйича иккинчи ўринда пайдо бўлган белгига периферик бўғимлардаги оғриқ хос бўлиб, ушбу белги асосий гуруҳ беморларида яққол бўлди. Тизза бўғимидаги оғриқ асосий ва назорат гуруҳдаги мувофиқ равишда 20% (12) ва 17,5% (7) беморларда, елка бўғимидаги оғриқ – 8,3% (5) ва 10% (4) беморларда кузатилди.

Анкилозловчи спондилоартритнинг аксиал белгилари ўрганилганида, 47 (78,3%) нафар беморларда умуртқадаги яққол оғриқ, бўғимлардаги эрталабки қарахтлик 42 (70%) нафар беморларга хос бўлиб, асосий гуруҳдаги беморларда оғриқ давомийлиги ўртача  $96,7 \pm 19,2$  мин бўлди, ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳ беморларида мувофиқ равишда – 28 (70%), 26 (65%) ва  $68,4 \pm 11,3$  мин ташкил қилди.




**1–расм. Кузатув гуруҳларда анкилозловчи спондилоартритнинг клиник белгиларининг тавсифи (%)**

Умуртқа поғонасида фронтал билан бир қаторда сагиттал текисликларда ҳаракатланишнинг чекланиши ҳам асосий гуруҳда назорат гуруҳга қараганда яққол бўлди ҳамда мувофиқ равишда 46 (76,7%) ва 22 (55%) нафар беморларда кузатилди. Асосий гуруҳдаги беморларда коксит - 35%, энтезит - 45% ва дактилит - 11,7% белгиларининг учраш даражаси назорат гуруҳга нисбатан ишонарли даражада юқори бўлди ( $p < 0,005$ ) ҳамда назорат гуруҳда мувофиқ равишда 32,5%, 27,5%, 5% бўлди (1-расм).

Ўрганилаётган гуруҳларда касалликнинг фаоллиги COVID-19 ўтказган беморларда ( $7,04 \pm 1,08$ ) COVID-19 ўтказмаган ( $4,0 \pm 0,81$ ) беморларга нисбатан ВАШ бўйича 1,5 баробарга юқори бўлди ( $p < 0,05$ ). BASDAI ва ASDAS(CPO) индекслари асосий гуруҳ беморларида касалликнинг ўта юқори фаоллигини ( $5,8 \pm 0,32$  ва  $4,9 \pm 0,45$ ) ҳамда назорат гуруҳда юқори фаолликни ( $4,1 \pm 0,621$  и  $3,2 \pm 0,61$ ) кўрсатди. BASDAI сўровномаси натижаларининг назорат тахлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ беморларида бўйин, бел ва чаноқ-сон бўғимларидаги оғриқнинг яққоллик даражаси ( $6,7 \pm 0,43$ ), ҳафта давомида бўғимлардаги оғриқнинг учраш даражаси ( $7,1 \pm 0,47$ ) ҳамда эрталабки карахтликнинг давомийлиги ( $6,2 \pm 0,66$ ) назорат гуруҳ (мувофиқ равишда  $4,2 \pm 0,44$ ,  $4,1 \pm 0,71$  ва  $4,5 \pm 0,32$ ) беморларига нисбатан юқори балларда кузатилди.

Функционал фаоллик ўрганилганида, BASFI индексининг кўрсаткичлари асосий гуруҳ беморларда  $6,8 \pm 0,62$  назорат гуруҳ  $4,8 \pm 0,43$  беморларига нисбатан статистик ишонарли даражада юқори бўлди ( $p < 0,05$ ). Жумладан, асосий гуруҳ беморлари пайпоғини кийиш, ўриндан туриш, ортиқча қийинчиликларсиз зинапоядан кўтарилиш каби вазифаларни бажаришга ҳамда жисмоний фаолиятларни (физкультура, далада ишлаш ва ҳ.к.) бажаришга қийналган бўлса, назорат гуруҳ беморлари бошни айланиш, ўриндан туриш ҳамда меҳнат фаолиятларини бажаришга қийналишган (2-расм).



**2–расм. BASFI бўйича функционал фаолликни баҳолаш натижалари**

EuroQol-5D сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини баҳолаш шуни кўрсатдики, COVID-19 билан касалланган беморлар кундалик вазифаларни бажаришда, ўзларига хизмат қилишда қийинчиликларга дуч келишган, ҳаракатланиш чекланганлиги ва оғриқ ва ноқулайлик ҳис қилган, бу эса ташвиш ва депрессияга олиб келган.

Ўрганилаётган гуруҳларда COVID-19нинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, беморларнинг 35,3% ва 30,9% да касаллик энгил ва ўртача оғирликда, кўпчилик беморларда интоксикация, иситма, таъм ва ҳидни йўқотиш белгилари билан кечган, йўтал ва астеник синдромлар эса камроқ даражада қайд этилган.

Суяк-бўғим тузилмалари ва умуртқа поғонасидаги ўзгаришларни ўрганиш шуни кўрсатдики, беморларда ковиддан кейинги даврда умуртқа поғонаси структурасидаги ўзгаришлар яққол даражада бўлган ҳамда асосий гуруҳ беморларида 56,7%-умуртқа танасининг остеопорози, синдесмофитлар-51,7%, суяк кўмигининг яллиғланишли шиши-26,7% ва анкилоз-23,3% билан намоён бўлган, назорат гуруҳда эса ушбу белгилар мувофиқ равишда 30,0%, 32,5%, 17,5% ва 12,5% кузатилди ( $p < 0,05$ ).

Иммунитетнинг ҳужайравий бўғинини ўрганишда CD3+ қийматини асосий гуруҳда ( $30,6 \pm 7,1\%$ ) назорат гуруҳ ( $55,2 \pm 8,4$ ) ва соғлом кишиларга ( $59,9 \pm 9,5\%$ ) нисбатан сезиларли пасайиши ( $p < 0,05$ ) аниқланди. CD4 қиймати назорат гуруҳ ва соғломлар ( $32,2 \pm 4,7\%$  ва  $37,1 \pm 8,3$ ) билан солиштирганда асосий гуруҳда ( $21,5 \pm 1,3\%$ ) статистик ишонарли равишда камайганлиги аниқланди ( $p < 0,05$ ). CD8 сонини ўрганишда асосий гуруҳда ( $15,6 \pm 2,4\%$ ) назорат гуруҳ ( $24,2 \pm 3,1\%$ ) ва соғлом ( $27,1 \pm 2,9\%$ ) кишилар билан солиштирганда ишонарли пасайиши ( $p < 0,05$ ) қайд этилди. Шундай қилиб, олинган натижалар COVID-19 билан касалланган беморларда яққол аутоиммун жараённи кўрсатади.

Қон зардобида ЎНО- $\alpha$  миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ беморларида ( $12,1 \pm 5,7$  пг/мл) ушбу кўрсаткич назорат гуруҳ ( $5,3 \pm 0,69$

пг/мл;  $p < 0,05$ ) беморларига нисбатан 2,3 баробар, соғлом кишиларга ( $0,97 \pm 0,13$ ) нисбатан 13,1 баробар юқори қийматни кўрсатди ( $p < 0,001$ ).


Қон зардобида ИЛ-17А миқдорини ўрганиш эса, асосий гуруҳ беморларида ( $84,7 \pm 15,4$  пг/мл;  $p < 0,05$ ) назорат гуруҳ беморларига ( $27,1 \pm 8,3$  пг/мл;  $p < 0,05$ ) нисбатан статистик ишонарли равишда 3,5 баробар юқори бўлди. Шу билан бир вақтда ИЛ-17А кўрсаткичи асосий гуруҳ беморларида амалий соғлом кишиларга ( $5,9 \pm 0,97$  пг/мл;  $p < 0,001$ ) нисбатан 14,3 баробар юқори бўлди, бу эса илгари ўтказилган COVID-19 негизида турғун яллиғланиш жараёни кузатилишидан далолат беради (1-жадвал).

### 1–жадвал

#### Кузатув гуруҳларида ИЛ-17А ва $\alpha$ -ЎНО-а кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ (n=60)	Назорат гуруҳ (n=60)	Соғломлар (n=30)	p
$\alpha$ -ЎНО (пг/мл)	$12,1 \pm 5,7^{\#}$	$5,3 \pm 0,69^{\&}$	$0,97 \pm 0,13$	$p^* < 0,05$ ; $p^{\&} < 0,05$ ; $p^{\#} < 0,001$
ИЛ-17А (пг/мл)	$84,7 \pm 15,4^{\#}$	$27,1 \pm 8,3^{\&}$	$5,9 \pm 0,97$	$p^* < 0,05$ ; $p^{\&} < 0,02$ ; $p^{\#} < 0,001$

Изоҳ: p – ишонарли фарқ: \* - асосий ва назорат гуруҳ ўртасида, & - назорат гуруҳ ва соғлом кишилар ўртасида ва # - асосий гуруҳ ва соғлом кишилар ўртасида.




### 3–расм. Иккита тадқиқот гуруҳларида анкилозловчи спондилоартритнинг клиник-функционал кўрсаткичлари ва ИЛ-17А ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқлик

ИЛ-17А кўрсаткичлари ва фаоллик индекслари (ASDAS, BASDAI), ВАШ бўйича оғриқ синдроми, эрталабки карахтлик, BASMI метрологик индекси, BASRI-spine, BASRI-hips, mSASS рентген индекслари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилганида, ушбу белгилар ўртасида асосий гуруҳ

беморларида кучли ижобий корреляцион боғлиқлик, назорат гуруҳда эса сезиларли ижобий боғлиқлик аниқланди (3-расм), бу эса ИЛ-17А нинг АС патогенезидаги ажралмас ахамиятини кўрсатади.

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан касалланган беморларда томир эндотелийсининг функционал ҳолати ҳамда даволаш ва профилактика чораларининг натижалари» номли тўртинчи боби эндотелиал дисфункция маркери ҳамда эндотелийнинг вазорегулятор вазифасини ўрганишга бағишланган, шу билан бирга ушбу бобда тадқиқотнинг иккита гуруҳларида даволаш натижалари, клиник жавоб динамикаси келтирилган.


Эндотелин-1 ни эндотелиал дисфункция маркери сифатида ўрганиш шуни кўрсатдики, эндотелин-1 миқдори назорат гуруҳга нисбатан асосий гуруҳда 1,2 баробар юқори (мувофиқ равишда  $309,6 \pm 47,11$  пг / мл га нисбатан  $252,7 \pm 37,09$  пг/мл  $p < 0,05$ ) бўлди, назорат гуруҳнинг кўрсаткичлари эса соғлом кишиларга қараганда 5 барабар юқори бўлди ( $p < 0,01$ ) (4-расм). Биз томондан олинган натижалар ковиддан кейинги даврда беморларда эндотелиал дисфункциянинг яққол бузилишдан далолат беради.



**Изоҳ:** кўрсаткичлар ўртасида ишонарли фарқ  $p < 0,05$  \* - асосий ва назорат гуруҳ ўртасида; \*\* - назорат гуруҳ ва соғлом кишилар ўртасида; # - асосий гуруҳ ва соғлом кишилар ўртасида

#### 4-расм. Тадқиқот гуруҳларида эндотелин-1 (пг/мл) кўрсаткичлари

Эндотелин-1 кўрсаткичи ва анкилозловчи спондилоартритнинг давомийлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлили 5-расмда кўрсатилган. Расмда кўриниб турибдики, асосий гуруҳ беморларида касалликнинг давомийлиги ва эндотелин-1 кўрсаткичи ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик ( $r=0,75$ ) аниқланган. Назорат гуруҳда эса юқоридаги кўрсаткичлар ўртасида кучсиз корреляцион боғлиқлик ( $r=0,481$ ) аниқланди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, анкилозловчи спондилоартритнинг давомийлиги қанчалик узоқ бўлса, эндотелийнинг шикастланиши шунчалик яққол бўлади.



**5–расм. Тадқиқот гуруҳларида эндотелин-1 ҳамда анкилозловчи спондилоартритнинг давомийлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик**

Олинган маълумотларга асосланиб, биз эндотелин-1 нинг касаллик фаоллиги ва яллиғланишга қарши цитокинлар - ЎНО- $\alpha$  ва ИЛ-17А ўртасида кўп омилли корреляцион таҳлилни ўтказдик. Таҳлил асосий гуруҳдаги беморларда ЭТ-1 ва фаолликнинг BASDAI ( $r=0.89$ ) ва ASDAS(CPO) ( $r=0.76$ ) индекслари ўртасида кучли ижобий корреляцион боғлиқликни, назорат гуруҳда эса кучсиз ижобий боғлиқликни ( $r=0.68$ ;  $r=0.62$ ) кўрсатди. Корреляцион таҳлил ЭТ-1 ва ЎНО- $\alpha$  ( $r=0,91$ ) ва ИЛ-17А ( $r =0,87$ ) ўртасида кучли ижобий ўзаро боғлиқликни кўрсатди. Шундай қилиб, коронавирус инфекцияси негизда қон зардобиди яллиғланиш олди цитокинлари концентрациясининг ошиши АС билан оғриган беморларда эндотелий вазифаси бузилиши шаклланишига олиб келади.

Эндотелийнинг функционал ҳолатини ўрганиш асосий гуруҳда эндотелийга боғлиқ вазодилатация (ЭБВД) паст кўрсаткични кўрсатди, яъни декомпрессиядан кейин 60 ва 120 секундларда елка артерияси диаметрининг кенгайишининг пасайиши, мувофиқ равишда  $\Delta D=7,74 \pm 0,82\%$  ва  $10,3 \pm 1,18\%$ , қон оқимининг максимал систолик тезлигини ошиши -  $\Delta Vps = 78,3 \pm 12,44\%$  кузатилди, назорат гуруҳда ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда  $\Delta D = 9,87 \pm 1,47\%$  ва  $13,86 \pm 1,47\%$ ,  $\Delta Vps=68,3 \pm 9,64\%$  ( $p<0,05$ ) ташкил қилди (2-жадвал). Бундан ташқари, COVID-19 билан касалланган беморларда пульс индекси (PI) ва резистентлик индексининг (RI) ошиши кузатилди ва мувофиқ равишда  $3,19 \pm 0,7$  ва  $0,96 \pm 0,4$  бўлди. Назорат гуруҳ ва соғлом кишилар ўртасидаги фарқ статистик ишонарли даражада бўлмади ( $p>0,05$ ).

Асосий гуруҳда компрессион синамадан фойдаланган ҳолда ўтказилган ультратовуш доплер текшируви натижаси ва эндотелин-1 ўртасидаги корреляцион ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш елка артерияси диаметрининг кенгайиши ( $r=-0,82$ ,  $p<0,05$ ), қон оқимининг максимал систолик тезлиги ( $r=0,78$ ,  $p<0,05$ ) ва пульс индекси ( $r =0,81$ ,  $p<0,05$ ) ўртасида ишонарли корреляцион боғлиқ аниқланди.

Шу билан бирга, назорат гуруҳдаги беморларда юқоридаги кўрсаткичларнинг корреляцион ўзаро боғлиқлигининг кўп омилли математик таҳлили эндотелин-1, елка артерияси диаметрининг кенгайиши ( $r=-0,69$ ,

$p < 0,05$ ), қон оқимининг максимал систолик тезлиги ( $r=0,65$ ,  $p < 0,05$ ) ва пулс индекси ( $r=0,68$ ,  $p < 0,05$ ) ўртасида кучсиз корреляцион боғлиқликни кўрсатди.

## 2–жадвал

### Тадқиқот гуруҳларида елка артериясининг ультратовушли доплер текширувининг натижалари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳ	Соғломлар
Қон оқимининг дастлабки тезлиги, м/с	0,56±0,09*	0,67±0,13	0,87±0,09
Елка артериясининг дастлабки диаметри, мм	3,68±0,27	3,71±0,15	3,81±0,05
ΔD 60 сонияда, %	7,74±0,82*	9,87±1,47**	14,37±1,23
ΔD 120 сонияда, %	10,3±1,18*	13,6±0,87**	18,38±1,44
PI	3,19±0,7*	2,4±0,14	1,8±0,23
RI	0,96±0,4*	0,87±0,23	0,74±0,36

**Изоҳ:** \* - асосий ва назорат гуруҳлар ўртасидаги ишонарли фарқ,  $p < 0,01$ ; \*\* - назорат гуруҳ ва соғлом кишилар ўртасидаги ишонарли фарқ,  $p < 0,05$

Бундан келиб чиқадики, COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда эндотелин-1 даражасининг ошиши елка артерияси диаметри кўрсаткичининг пасайиши, қон оқимининг максимал систолик тезлигини ошиши, максимал диастолик тезликни камайишига, унга мос равишда пулс индексининг ўсишига олиб келади.

Тўртинчи бобнинг якуний параграфидида АС ни даволашда эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш натижалари келтирилган ва тадқиқот гуруҳларида клиник жавоб динамикаси кўрсатилган. Даволаш босқичида беморлар уч гуруҳга бўлинган: I гуруҳни ( $n=20$ ) базисли даво қабул қилган беморлар ташкил қилди: сулфасалазин (агар у метотрексат ёки лефлуномидни қабул қила олмаса), глюкокортикостероидлар (кўрсатмага кўра) ва стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дори воситалари; II гуруҳни ( $n=20$ ) базисли даво билан бир қаторда ген-инженерия йўли билан олинган биологик препарат (ГИБП), ИЛ-17 ингибитори бўлган секукиномаб (Скафо) ни 150 мг дозада тери остига 2 ҳафталик интервал билан инъекция кўринишида қабул қилган; III гуруҳ ( $n=20$ ) эса базисли даво ва ГИБП билан бирга оксид азот донатори бўлган L- аргининни суткасига 1 г дан 1 ой давомида қабул қилган.

I гуруҳ беморларини динамик назорати шуни кўрсатдики, даволаш фонидида беморларда С-реактив оқсил ва яллиғланиш олди цитокини бўлган УНО-  $\alpha$  ва ИЛ-17А миқдори мувофиқ равишда  $28,6 \pm 9,1$  мг/л дан  $19,2 \pm 4,7$  мг/л гача ( $p < 0,05$ ),  $9,6 \pm 1,3$  пг/мл дан  $8,8 \pm 0,4$  пг/мл гача ( $p > 0,05$ ),  $80,3 \pm 19,2$  пг/мл дан  $74,7 \pm 16,4$  пг/мл гача ( $p > 0,05$ ) пасайди, аммо, яллиғланиш олди цитокинлари кўрсаткичларини ўзгариши ишонарли даражада бўлмади. Томир эндотелиал дисфункцияси кўрсаткичи бўлган эндотелин-1 ҳамда елка артериясининг доплерометридаги кўрсаткичининг силжиши ҳам динамикада бошланғич қийматга нисбатан ишонарли фарқ билан ўзгармади ( $p > 0,05$ ).

Секукиномаб билан даволаш фонидида бўлган II гуруҳ беморлари 1 ой давомида динамик кузатилганида касаллик фаоллигининг пасайиши

аниқланди ва бу 6 ой давом этди. Яллиғланиш кўрсаткичларининг ижобий динамикаси, яъни С-реактив оксил даражасининг, шунингдек, яллиғланишга қарши ЎНО - $\alpha$  ва ИЛ-17А цитокинлари даражасининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Динамикада С-реактив оксил даражаси  $30,4 \pm 14,3$  мг/л дан  $17,5 \pm 7,6$  мг/л ( $p < 0,05$ ) гача, ЎНО- $\alpha$   $10,4 \pm 2,1$  пг/мл дан  $5,8 \pm 0,6$  пг/мл ( $p < 0,05$ ) гача, ИЛ-17А-  $78,5,1 \pm 11,4$  пг/мл дан  $53,7 \pm 12,1$  пг/мл гача ( $p < 0,05$ ) пасайди. Эндотелин-1 қиймати ва томир эндотелийсининг функционал ҳолатини белгиловчи кўрсаткич даволаш негизда сезиларсиз камайди ҳамда кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ статистик ишонарсиз даражада бўлди ( $p > 0,05$ ).

Тадқиқотнинг III гуруҳини динамикада назорат қилиш натижалари яллиғланиш маркери ва яллиғланиш олди цитокинлари кўрсаткичларини ишонарли даражадаги силжишини кўрсатди: С-реактив оксил  $34,2 \pm 11,3$  мг/л дан  $14,8 \pm 2,1$  мг/л гача, ЎНО- $\alpha$   $11,6 \pm 1,7$  пг/мл дан  $6,6 \pm 0,5$  пг/мл гача ( $p < 0,05$ ), ИЛ-17А-  $88,2 \pm 15,7$  пг/мл дан  $51,9 \pm 18,1$  пг/мл гача ( $p < 0,05$ ) пасайди. Шу билан бирга, эндотелин-1 кўрсаткичи  $283,5 \pm 24,67$  пг/мл дан  $94,8 \pm 11,49$  пг/мл гача камайди (жад. 3).


### 3-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларида даволаш негизда иммун-яллиғланиш кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар		I гуруҳ (БТ) (n=20)	II гуруҳ (БТ+Секукиномаб) (n=20)	III гуруҳ (БТ+Секукиномаб+ L-аргинин) (n=20)
<b><math>\alpha</math>-ЎНО (пг/мл)</b>	<i>Даводан олдин</i>	$9,6 \pm 1,3$	$10,4 \pm 2,1$	$11,6 \pm 1,7$
	<i>I ой</i>	$8,8 \pm 0,4$	$5,8 \pm 0,6^*$	$6,6 \pm 0,5^{\&}$
<b>ИЛ-17А (пг/мл)</b>	<i>Даводан олдин</i>	$80,3 \pm 19,2$	$78,5,1 \pm 11,4$	$88,2 \pm 15,7$
	<i>I ой</i>	$74,7 \pm 16,4$	$53,7 \pm 12,1^*$	$51,9 \pm 18,1$
<b>СРО (мг/л)</b>	<i>Даводан олдин</i>	$28,6 \pm 9,1$	$30,4 \pm 14,3$	$34,2 \pm 11,3$
	<i>I ой</i>	$19,2 \pm 4,7^*$	$17,5 \pm 7,6^*$	$14,8 \pm 2,1^*$

**Изоҳ:** даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишонарли фарқ \* $p < 0,05$ , & $p < 0,01$

Биз илгари COVID-19 ўтказган анкилозланувчи спондилоартрит билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш алгоритмини ишлаб чиқдик, унинг асосида «Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш ва касаллик фаоллигини камайтириш учун электрон дастури» яратилди ва 13.01.2023 йилдаги 21578 рақамли DGU рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган. Дастур ревматологлар ва терапевтлар учун мўлжалланган бўлиб, у эндотелин-1 кўрсаткичи (пг/мл), елка артерияси диаметрининг ўсиш кўрсаткичи  $\Delta D, \%$  ва BASDAI фаоллик индексини инобатга олиб, даволаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади. Муайян кўрсаткичларнинг ўзгаришига қараб, дастур тегишли босқичма-босқич даволашни, жумладан, асосий терапияни, биологик фаол препаратларни ва эндотелиал дисфункцияни коррекциялашни тавсия қилади (6-расм).



**6–расм. Анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункцияни коррекциялаш бўйича электрон дастури**

## ХУЛОСАЛАР

1. COVID-19 ўтказмаган беморларга нисбатан COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартрит билан оғриган беморларда касалликнинг клиник кечиши яққол фаоллиги ва аксиал белгиларнинг авж олиб бориши ҳамда бўғим синдромининг агрессив намоён бўлиши хусусиятига эга.

2. COVID-19 ўтказган беморларда АС умуртқа поғонаси тузилмасидаги ўзгаришларни авж олиб борилиши билан бирга кечади ва mSASSS, BASRI-spine ва BASRI-hips, BASRI-total каби рентгенологик индексларни қисқа муддат давомида ортиши кузатилади.

3. Ўтказилган коронавирус инфекцияси фонида АС нинг кечиши CD 3+, CD 4+ ва CD8+ хужайралари қийматини пасайиши билан кечиб, тизимли яллиғланишдан далолат беради.

4. COVID-19 ўтказган АС билан оғриган беморларда тизимли яллиғланишни авж олиб борилиши ва ИЛ-17А миқдорини ортиқча ишлаб чиқарилиши негизида томир эндотелиал дисфункцияси кузатилади ва бу эндотелин-1 миқдорини сезиларли ошиши билан намоён бўлади. Бундан ташқари, касаллик фаоллигини ортишига боғлиқ равишда эндотелин-1 кўрсаткичининг ошиши ҳамда эндотелиал дисфункция ортишидан далолат беради.

5. COVID-19 ўтказган АС билан оғриган беморларда базис даво негизида оксид азот донатори бўлган L- аргинин ҳамда ИЛ-17А ингибитори бўлган секукинумабни қўллаш тизимли яллиғланиш кўрсаткичларини пасайишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, улар ЭБВД динамикасини яхшиланишига ва  $\Delta D$  5,1 дан 12,2% гача,  $\Delta Vps$  (23,1- 31,4%) ва  $\Delta Ved$  (19,7% - 29,2%) кўтарилишига ҳамда RI ва PI меъёрлашишига ҳам олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**РАХИМОВА МАДИНА БОХОДИРОВНА**

**ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ АНКИЛОЗИРУЮЩЕГО  
СПОНДИЛОАРТРИТА НА ФОНЕ ЭНДОТЕЛИАЛЬНОЙ  
ДИСФУНКЦИИ У БОЛЬНЫХ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19**

**14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за № B2022.2.PhD/Tib2676.**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Ахмедов Халмурад Садуллаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Алиахунова Мавжуда Юсупахуновна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный  
медицинский университет**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № \_\_\_\_). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 год.  
(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 года)

**А.Г. Гадаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.Л. Аляви**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным ВОЗ на сегодняшний день анкилозирующий спондилоартрит считается одной из важнейших социально-экономических проблем и является одной из причин инвалидности среди населения всего мира. Согласно данным Европейской антиревматической лиги, «...частота встречаемости анкилозирующего спондилоартрита составляет от 0,1 до 1,4% на 10 000 населения в год, а заболеваемость среди мужчин в 2-4 раза выше, чем среди женщин»<sup>1</sup>. С началом пандемии COVID-19 частота госпитализации больных аутоиммунными ревматическими заболеваниями возросла до 46% по сравнению с общей популяцией. Высокая восприимчивость к вторичному инфицированию на фоне иммуносупрессивной терапии является одной из причин ухудшения прогноза у данных больных. Это обуславливает необходимость более дифференцированного подхода к диагностике и лечению АС и проведения дальнейших исследований в решении данной проблемы.

На сегодняшний день во всем мире проводятся ряд научных исследований, посвященных изучению влияния перенесенной COVID-19 на течение и прогноз анкилозирующего спондилоартрита, а также оценку эндотелиальной дисфункции на фоне системного воспаления, имеющей общие патогенетические механизмы с COVID-19 и лежащей в основе развития неблагоприятных осложнений у больных с АС. При этом всестороннее изучение взаимосвязи эндотелиальной дисфункции с системным воспалением и активностью анкилозирующего спондилоартрита, роли эндотелина-1 в ранней диагностике ЭД, разработка методов ее коррекции, а также мероприятия, направленные на ведение больных с АС, перенесших COVID-19 и улучшение их качества жизни, являются актуальными направлениями в практической медицине.

Перед медицинскими работниками нашей республики поставлены ряд задач по усовершенствованию качества оказываемой медицинской службы населению, в том числе ее соответствия требованиям международных стандартов. В настоящее время «...в нашей стране предпринимаются масштабные комплексные меры по решению задач по улучшению качества оказываемой медицинской помощи, повышению доступности и качества оказываемых в стране медицинских и социальных услуг, формированию здорового образа жизни среди населения, внедрение в практику современных методов диагностики и лечения»<sup>2</sup>. В то же время представителями здравоохранения проводятся мероприятия, направленные на усовершенствование реабилитации пациентов в постковидном периоде. Исходя из этого, считается важным проведение дальнейших исследований по

---

<sup>1</sup> World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы»

усовершенствованию диагностики эндотелиальной дисфункции у больных с анкилозирующим спондилоартритом, а также оптимизация соответствующих методов лечения с целью предотвращения развития неблагоприятных осложнений и снижения риска инвалидизации.

